

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

**ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-3**

**ФУНДАМЕНТАЛ
ТАДҚИҚОТЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
3-СОН**

**FUNDAMENTAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-3**



ТОШКЕНТ - 2023

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Тахририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдурахмон Хасанов

Тахририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ДЎСТОВ Мамарасул Абдуллаевич

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг
Божхона институти доценти*

УБАЙДУЛЛАЕВ Валижон Зубайдуллаевич

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг
Божхона институти магистратура тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7698791>*

АШЁВИЙ ДАЛИЛ СИФАТИДА ОЛИНГАН КРИПТО-АКТИВЛАРНИ САҚЛАШ ВА МУСОДАРА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола крипто-активлар айланмаси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда крипто-активларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб боришда далилий ашёнинг сакловини таъминлаш ҳамда мусодара масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Крипто-актив, крипто-активнинг эгаси, крипто-биржа, крипто-дўкон, крипто-ҳамён, блокчейн, биткойн, алткойн, токен, смарт-контракт, майнинг, майнер, фиат пул, SEED ибора.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы государственного регулирования оборота криптоактивов и вопросы сохранения и изъятия доказательств до расследования правонарушений, связанных с незаконным оборотом криптоактивов.

Ключевые слова: Криптоактив, владелец криптоактива, криптобиржа, криптомагазин, криптокошелек, блокчейн, биткойн, альткойн, токен, смарт-контракт, майнинг, майнер, фиатные деньги, фраза SEED.

ANNOTATION

This article deals with the state regulation of crypto-assets circulation and issues of preservation and confiscation of evidence before investigation of violations related to illegal circulation of crypto-assets.

Key words: Crypto-asset, owner of a crypto-asset, crypto-exchange, Crypto-store, crypto-wallet, blockchain, bitcoin, altcoin, token, Smart-contract, mayning, Mayner, Fiat money, SEED phrase.

Сўнгги йилларда жахон молия бозорида рақамли иқтисодиёт, виртуал валюта, крипто-актив, криптовалюта, суррогат (ўрнини босувчи пул бирликлари) деб номланувчи турли хилдаги терминлар қўлланила бошланди.

Айнан шулардан бири крипто-активларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигига таъсири хусусида тўхталадиган бўлсак, крипто-активларнинг анонимлиги хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига, латент (яширин) жиноятларнинг кўпайишига, молиявий ресурслар билан таъминланмагани эса давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади.

Глобализация даври бўлган ҳозирги замонда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар крипто-активлар муомаласининг бевосита иштирокчисига айланиб бормоқда. Бундай вазиятга давлат томонидан мазкур соҳани тартибга солиш, крипто-активларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, молия бозорини тартибга солиш ва назорат қилишга зарурат туғилмоқда.

Юртбошимиз ўзининг “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” асарида “Бу муаммони самарали ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли-қонунлар ижросини ташкил этиш бўйича соатдек аниқ ишлайдиган механизм яратишдир.”¹ - дея таъкидлаганидек крипто-активлар айланмаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишда аниқ бир механизм яратиш лозим бўлади.

Шу, боисдан 2018 йилнинг 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли қарорининг қабул қилиниши бу борада дастлабки қадам бўлиб хизмат қилди. Мазкур қарор том маънода майнер ва хизмат провайдерлари фаолиятини тартибга солувчи дастлабки ҳужжат эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3926-сон қарори бўлиб, мазкур қарор крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқдир, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 13 июлда 3309-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қарор ҳамда Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби, крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби билан боғлиқ қўшимча талаблар ишлаб чиқилиб, крипто-активлар ва уларнинг муомаласини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122 сонли фармонида мувофиқ Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада фаолиятни лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

Айтиш керакки, крипто-активлар ўзига хос қулайликларга эга айланмаси соҳасига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунга сабаб қуйидаги қулайликларнинг мавжудлиги: тез ўсиб бораётган машхурлик, ақлли (smart) шартномаларни қўллаб -қувватлаш, битимларнинг шаффофлиги, инфляцияга боғлиқ эмаслиги, тизимнинг юқори ишончлилиги ва хавфсизлиги, солиқ солинмаслиги, транзакцияларнинг нархи ўтказилган суммага боғлиқ эмас, тўловларнинг қулайлиги ва бошқалар.

¹ Ш.М.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон. 2017, 9-бет

Бирок, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг сони ҳам кескин ошиб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги божхона қўмитасидан олинган статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2021-2022 йиллар давомида крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ 19 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ва улар юзасидан қиймати 32 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлари олиб қолинган. Мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 9 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган ҳамда 10 та ҳолат юзасидан маъмурий ишлар юритилиб тегишли суд органларига юборилган.

Хусусан, давлат божхона хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддаси 4-бандига мувофиқ, Божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари суриштирувни ҳамда 39¹-моддаси 8-бандига мувофиқ, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-344 сонли қонунининг 10-моддасига асосан, божхона органлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда ваколатли орган сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, 2018 йил 18 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-502-сон қонунининг 7-моддасига мувофиқ бир қанча крипто-активларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб келинмоқда.

1. Айтиш жоизки, крипто-активларнинг келиб чиқиши аниқлангунга ва (ёки) суд қарори чиқарилгунга қадар, улар Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя қилган ҳолда хатланади ва сақланади. Аниқланган крипто-активларни хатлаш, уларни сақлаш ҳамда мусодара қилиш (давлат эгалигига ўтказиш)да амалиётда муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларга санаб ўтишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли қарорида кўрсатилган асосий тушунчаларни ёритиб ўтиш лозим.

Крипто-актив бу - маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулкий ҳуқуқдир.

Майнинг бу – ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолияти.

крипто-хамён - крипто-актив ва токенларни сақлашга ҳамда эгасига улар билан операцияларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий ёки дастурий-техник воситаси;

крипто-хамён калити - крипто-активларни сақлаш ва улар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишга мўлжалланган дастурий таъминотга ёки қурилмага кириш имконини берувчи код (парол, пинкод);

крипто-хамён манзили - крипто-активларни идентификациялаш, юбориш ёки қабул қилиб олиш имконини берувчи харф ёки рақамли белгилар жамланмаси;

"SEED ибора" - крипто-хамён калитини ўзгартириш ёки қайта тиклаш учун сўзлар тўплами (мазкур тўплам одатда 12 тадан 24 тагача, айрим ҳолларда 13 тадан 25 тагача тасодифий танланган сўзлардан иборат бўлади);

Рақамли қурилма - компьютер, планшет, ноутбук, қаттиқ диск (HDD ёки SSD), моноблок, кўчма рақамли ахборот ташувчи (кўчма 2 дисклар HDD ва SDD, USB-хотира, флешкалар, дисклар ва дискеталар), смартфон, "ақли" соат ва бошқалар.

Крипто-актив ҳамёнлари крипто-активларни сақлаш, узатиш ва қабул қилиш воситасидир. Крипто ҳамёнларнинг 2 тури мавжуд: **иссиқ ва совуқ**.

Иссиқ ҳамёнлар интернетга кириш имконига эга бўлган турли хизматлар (мобил илова, браузер плагинлари, веб-иловалар ва бошқалар). Бундай ҳамёнлар классик банк иловасига ўхшайди ва аниқ интерфейсга эга. Ушбу ҳамёнлар билан крипто-активларни ўтказиш ёки уни қабул қилиш ҳамда сақлаш мумкин.

Иссиқ ҳамёнларнинг заиф томонлари шундаки, совуқ ҳамёнларга қараганда камрок ишончли ҳисобланади - ҳимоя даражаси пастроқ, чунки улар айнан ҳамённи яратиш жараёнидан крипто-активларни ўтказиш, қабул қилиш ёки сақлашга қадар барча босқичлар интернет тармоғига уланган ҳолда амалга оширилиши, шунингдек рўйхатдан ўтишни талаб этадиган тегишли иловалардан иборатлиги, яъни уларни бузиш осонроқ (гарчи бундай ҳолатлар жуда кам бўлса ҳам).

Совуқ ҳамёнлар интернетга кириш имконига эга эмас. (флеш-диск, қаттиқ нусха ва бошқалар). Иссиқ ҳамёнлардан асосий фарқ уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигидир. Демак, иссиқ ҳамёнга қараганда, совуқ ҳамён афзал эканлигини билдик.

Ҳозирги, кунда крипто-активлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар асосан лицензиясиз крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизмат провайдерлари фаолияти ҳамда рўйхатдан ўтмаган ҳолатдаги ноқонуний майнинг фаолияти ҳамда пулни ювишда, яъни ноқонуний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда намоён бўлади.

Шунингдек, крипто-валюталар қарз ёки солиқларни тўлаш учун олиб қўйилиши мумкин. Крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, мавжуд далилий ашё, яъни крипто-актив (bitcoin, ethereum ва ҳ.к.)ларни мусодара қилиш ёхуд эгасига қайтариш суднинг ёки ваколатли органнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур давр мобайнида далилий ашёни процессуал тартиботларга мувофиқ, сақлаш лозим бўлади. Айнан далилий ашёнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида совуқ ҳамёнларда сақланиши мақсадга мувофиқ.

<https://ledger.com> халқаро сайти маълумотларига кўра, Ledger Stax крито-ҳамёни 5000 дан ортиқ тангаларни қўллаб-қувватлаши кўрсатиб ўтилган. [2] Бу эса тез фурсатларда крипто-ҳамён тўлиб қолишини олдини олади ва шу билан бир қаторда ортиқча муаммолар туғдирмайди.

Шунингдек, <https://coinmarketcap.com> сайти маълумотларидаги таҳлилларга кўра, крипто-актив (асосан талаб юқори бўлган bitcoin, ethereum ва ҳ.к.)лар қийматлари тез ўзгарувчан ҳисобланади. [3] Шу сабабли крипто-активларни сақлаш давомида крипто-активнинг қиймати ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги қийматидан тушиб кетиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим.

Аниқланган ҳуқуқбузарлик натижасида олинган далилий ашёни мусодара қилишда жаҳон тажрибасини ўрганадиган бўлсак <https://decenter.org> халқаро сайти маълумотларига кўра, сайти маълумотларига кўра, аксарият ривожланган давлатларда виртуал активлар тўғрисида қонунлар мавжуд бўлиб, сотувлар кимошди савдолари орқали амалга оширилади.

Айтиш жоизки, АҚШда маршал хизмати (USMS) терговлари доирасида мусодара қилинган крипто-активларини сақлаш ва йўқ қилиш билан шуғулланишда пудратчи хизматидан фойдаланади. Пудратчи бухгалтерия ҳисоби, миқдорларни бошқариш, аудит, ҳамёнларни яратиш ва мусодара қилинган рақамли активларни тугатиш билан боғлиқ бошқа вазифалар билан шуғулланади. Талаб шундаки у ҳар қандай тангалар билан вақт ва ҳажм чекловларисиз ишлаши ва уларни фиат воситаларига алмаштириши, фиат учун алмаштириш тартиб-қоидаларига эга бўлиши керак.

Мусодара қилинган крипто-валюталар ким ошди савдосида сотилади. Биринчиси, АҚШ федерал маршал хизмати (USMS) ва АҚШ Адлия вазирлиги бўлиб, Америка тажрибаси бошқа мамлакатлар томонидан қабул қилинди. Шунга ўхшаш ким ошди савдолари Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Исроил, Италия, Австралия, Болгария, Финляндия ва Испанияда бўлиб ўтди.

АҚШ маршал хизмати федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан олиб қўйилган нарсаларни йўқ қилиш учун масъул бўлган мамлакатдаги энг қадимги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органидир. Яхталар, автоуловлар, соатлар, заргарлик буюмлари ва бошқа мусодара — барчаси бўлимнинг очиқ ким ошди савдосида мавжуд. Сўнгги бир неча йил ичида агентлик биткойнни сотиш учун ўнга яқин ким ошди савдосини ўтказди. Бундай аукционлар катта харидорлар учун биткойнни ажойиб чегирма билан олиш учун яхши имкониятдир.

АҚШда савдо иштирокчилари USMSга электрон почта орқали рўйхатдан ўтишлари, \$200,000 миқдорида депозит қўйишлари ва рўйхатдан ўтишни АҚШ маршаллари идораси тасдиқлаши керак. Лотлар бир нечта қисмларга бўлинади, ким ошди савдоси иштирокчилари ушбу блокларнинг бирида ёки бир нечтасида савдо қилишлари мумкин, аммо бошқаларнинг таклифларини кўра олмайдилар ёки ўзларини ўзгартира олмайдилар. Чет элликлар ҳам таклиф қилишлари мумкин, аммо барча тўловлар АҚШдаги банк ҳисобварағидан амалга оширилиши керак.

Wilson's Auctions — Буюк Британия ва Ирландиядаги энг йирик аукцион компанияси бўлиб, мазкур компания Буюк Британия, Ирландия, Белгия, Малта, Болқон мамлакатлари, Нигерия ва Малайзияда бутун дунё бўйлаб ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўлга киритилган криптовалюталарнинг тобора ортиб бораётган муаммосига хавфсиз ечим таклиф қилмоқда. 2019 йил март ойида Белгия ҳукумати томонидан мусодара қилинган криптовалюталарни сотиш бўйича ким ошди савдоси дунёнинг 110 та мамлакатидан 420 минг долларлик тангаларни сотиб олган иштирокчиларни жалб қилди.

Мусодара қилинган крипто-активларини тугатиш Белгиядан анъанавий молия саноатида бўлгани каби уларни тартибга солувчи қонунларни амалга оширишни талаб қилди. Белгия ҳукумати шартномаси Wilson's Auctionsга криптовалюта таклифини кенгайтириш ва тартибга солилмаган виртуал валюта биржаларида савдо қилиш билан боғлиқ хавфларни бартараф этиш имконини берди. [4]

<https://forklog.com> халқаро сайти маълумотларига кўра, Дербишир округи (Буюк Британия) полицияси “Komainu” сақлаш хизмати билан шартнома тузди. Компания расмийларга мусодара қилинган рақамли активларни сақлаш хизматларини тақдим этади.

“Komainu” сақлаш хизмати Буюк Британиянинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари билан ҳамкорлик қилади. Полиция комиссари ёрдамчиси Анжела Маклареннинг таъкидлашича, махсус кучлар мунтазам равишда тергов доирасида крипто валютасини олиб қўйишади ва рақамли валюталарни хавфсиз сақлашга муҳтож. [5]

<https://bits.media> халқаро сайти маълумотларига кўра, Англиянинг Дербишир округи полицияси кибержиноятчиликка қарши кураш дастури доирасида “Komainu” сақлаш хизмати билан ҳамкорлик қилаётганини айтди. Дастур шунингдек, полициячиларнинг криптовалюталар, улар жиноятчилар томонидан қандай ишлатилиши мумкинлиги ва “Komainu” сақлаш хизмати каби воситачилар операцияларга қандай имкониятлар очиши ҳақида хабардорлигини оширишни назарда тутади. Жерси регуляторлари томонидан лицензияланган хизмат жиноятларни тергов қилиш пайтида полиция томонидан мусодара қилинган криптовалюталарни сақлайди. Шунингдек, ушбу хизмат мусодара қилинган криптовалюталарнинг хавфсиз “омбори” бўлишини ва суд қарорига мувофиқ жинойий жавобгарликка тортилган тақдирда уларни фиат валютасига айлантиришга ёрдам беради. [6]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида крипто-активларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ашёлари тариқасида сақлаш ва мусодара қилишда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва суриштирув органлари томонидан аниқланган крипто-активларни ягона сақлаш ҳамда мусодара қилиш тартибларини такомиллаштириш, яъни далилий ашёни сақлаш ва мусодара қилишда инсон омилидан ҳоли бўлган ягона электрон базани яратиш орқали электрон кимошди (аукцион) тизимига интеграциялаш;

- “Виртуал активлар тўғрисидаги”ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикасида крипто-активларни мулк ёки пул бирлиги сифатидаги мақомини белгилаш;

- Крипто-активларни сақлаш давомида крипто-активнинг қиймати ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги қийматидан тушиб кетиши мумкинлигини инобатга олиб, бу борада хусусий компанияларнинг (тахлилчи) мутахассислари хизматидан фойдаланиш орқали ашёвий далил сифатида вақтинча сақловда турган крипто-активларни электрон кимошди (аукцион) савдосида сотиб юбориб, сотишдан тушган пул мабғлағларини давлат бюджетига ўтказиш тартибини жорий этиш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги 200-сонли қарорига крипто-активларнинг сақланиши ва мусодара қилиниши бўйича янги тартиб-қоидаларни киритиш;

- крипто-активларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашувчи ваколатли давлат органлари мутахассисларини жалб қилиб, божхона ходимларининг крипто-активларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишига оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни тергов қилиш малакаларини ошириш.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида крипто-активлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган вақтдан то суд қарори қабул қилингунга қадар бўлган процессуал ҳаракатларда мавжуд муаммоларни ҳал этишга, шунингдек келгусида крипто-активларни сақлаш ҳамда мусодара қилиш билан боғлиқ ягона тартибни жорий этилишига хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кочергин Д.А. (2021) Современные модели систем цифровых валют центральных банков // Вестник Санкт-Петербургского университета. Экономика. №2. 205 бет
2. Киселев А. (2019) Есть ли будущее у цифровых валют центральных банков. Аналитическая записка, апрель. Банк России.
3. Андриюшин С.А. (2019) Денежно-кредитные системы: от истоков до криптовалюты.
4. Vroomas A. Impact of the MiCA proposal on the taxation of crypto-assets within the EU [Electronic resource. – Oct. 19 2021.
5. Энг кулай бўлган совуқ электрон ҳамёнлар
URL: <https://shop.ledger.com/products/ledger-stax> (мурожаат санаси: 25.02.2023)
6. Кристо-активларнинг ўсиш тарихи <https://coinmarketcap.com> Халқаро Интернет сайти (мурожаат санаси: 26.02.2023)
7. Кристо-активларни сақлаш ва мусодара тартиби
URL: <https://decenter.org/konfiskovannaya-kripta-chto-proiskhodit-s-izyatyami-bitkoinami/?ysclid=legak1xfgx770168432> (мурожаат санаси: 26.02.2023)
8. Буюк Британия полицияси томонидан кристо-активларни сақлаш ва мусодара қилиш учун танланган хизмат URL: <https://forklog.com/news/politsiya-velikobritanii-vybrala-servis-dlya-khraneniya-konfiskovannoj-kriptovalyuty> (мурожаат санаси: 26.02.2023)
9. Буюк Британияда кристо-активларнинг сақлаш ва мусодара қилиш бўйича Komainu сервиси URL: <https://bits.media/politsiya-velikobritanii-budet-ispolzovat-servis-komainu-dlya-khraneniya-konfiskovannykh-kriptovalyu> (мурожаат санаси: 26.02.2023)

